

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

БЕРДИҚУЛОВ ХУДОЙШУКУР КЕЛДИЁРОВИЧ

**БИОСТИМУЛЯТОРЛАРНИНГ CROTALARIA JUNCEA
ЎСИМЛИГИНИ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА
ТАЪСИРИ (Жиззах вилояти шароитида)**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2024

УДК: 631.811.98:633.3 (575.11:252.5)

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation's abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Бердикулов Худойшукур Келдиёрович

Биостимуляторларнинг *Crotalaria juncea* ўсимлигини ўсиши,
ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири..... 3

Бердикулов Худойшукур Келдиёрович

Влияние биостимуляторов на рост, развитие и урожайность
растения *Crotalaria juncea* (в условиях Джизакской
области)..... 21

Berdikulov Khudoyshukur Keldiyorovich

The influence of applying biostimulators on growth, development and
yield of *Crotalaria juncea* (in the condition of Jizzakh region)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 44

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

БЕРДИҚУЛОВ ХУДОЙШУКУР КЕЛДИЁРОВИЧ

**БИОСТИМУЛЯТОРЛАРНИНГ CROTALARIA JUNCEA
ЎСИМЛИГИНИ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА
ТАЪСИРИ (Жиззах вилояти шароитида)**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Qx.1205 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация иши Жиззах давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.ddeiti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ортиқова Лола Соатовна,

кишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори доцент.

Расмий оппонентлар:

Юлдашева Зулфия Камоловна,

кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор.

Жумабоев Зухриддин Мўминович,

кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот:

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «_____» _____, соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170600 Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05; факс: (+99874) 373-12-05; e-mail: ddeiti19@mail.ru; Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Маъмурий биноси, 2-кават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05;

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.И.Сиддиқов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

Т.Э.Наджимов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби, к.х.ф.д.

С.О.Абдурахмонов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси).

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда кроталария (*Crotalaria juncea*) туркумининг 500 дан ортиқ тури маълум бўлиб, асосан тола олиш учун етиштирилади. Кроталария “Ҳиндистон, Шри-Ланка, Вьетнам, Индонезия, Африка ва Австралия сингари давлатларда кенг тарқалган бўлиб, гектаридан ўртача 1,0-1,5 тонна тола етиштириб келинмоқда”¹. Дунёда енгил саноат жадаллик билан ривожланиб бораётган бир даврда саноатни тола ҳом-ашёсига бўлган талабни бир меъёрда қондиришда тола берадиган ноанъанавий экинларни етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Дунёда глобал иқлим ўзгариши юз бераётган бир даврда инсониятни сифатли кийим ҳамда озиқ-овқат билан таъминлашдек муҳим масалалар ҳам кўндаланг турибди. Дунёнинг ривожланган давлатларида аҳоли сонининг кундан кунга ортиб бориши, суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерга бўлган эhtiёжнинг ҳам ортиб бориши фонида сувсизликка чидамли, тупроқ-иқлим шароитларини танламайдиган ноанъанавий экинлар устида илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириб боришга ундамоқда. Бу борада кроталариядан оқсилга бой кўк масса ва дон ҳосили ҳамда пишиқ тола маҳсулотларини етиштиришда ўзига хос илмий асосланган технологияларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 ноябрдаги “Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-199-сонли Фармонининг 8-иловасида Кроталария (*Crotalaria juncea*), Киноа (*Chenopodium quinoa*) ва бошқа шўрланишга, қурғоқчиликка чидамли ўсимликларни интродукция қилиш асосида юқори калорияли озуқа етиштиришнинг арзон, ресурс-тежамкор усулларини ишлаб чиқиш ва чорвачилик маҳсулотларини сифатини ошириш” бўйича бир қатор вазифалар белгиланган бўлиб, ушбу вазифалар ижросини амалиётга тадбиқ этишда ноанъанавий дуккакли экинларни етиштириш орқали чорвачиликни озуқа баъзасини шакллантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли фармони ҳамда 2022 йил 8 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022–2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида” ПҚ-120 сонли, 2023 йил 10 июлдаги “Маъмурий ислоҳотлар доирасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-90-сонли қарорлари ва

¹<https://www.booksite.ru/fulltext/1/001/008/066/600.htm> <https://www.diagram.com.ua/info/plants/plants812>

соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур илмий тадқиқот ишлари республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси фанлари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кроталария туркумига кирувчи ноанъанавий дуккакли экинларини етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича Республикамизда М.Аберкулов, Н.Рахимова, А.Кидербаева, З.Юливаси, С.Негматова, М.Нуруллаева, Ғ.Ёқубов хорижий олимлардан А.Araujo, G.Braz, C.Crusciol, R.Soratto, J.Chaudhury, D.Singh, S.Hazra, V.Malashetty, S.Patil, A.Mozambani, R.Sader, L.Pinto ва бошқалар томонидан кўплаб илмий изланишлар олиб борилган.

Бирок, кроталария (*Crotalaria juncea*) ўсимлигини етиштиришда биостимуляторлар қўллашни унинг ўсиши ва ривожланишига, фотосинтетик ва симбиотик фаолиятига, дон ва кўк масса ҳосилдорлигига ҳамда сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш масалаларидан келиб чиқиб, уни Жиззах вилояти тупроқ-иқлим шароитида етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика университети илмий тадқиқот режасининг 2020 йил 21-январдаги № 4-сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган “Жиззах вилояти шароитида ноанъанавий экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган (2020-2023 йй.)

Тадқиқотнинг мақсади. Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида кроталария (*Crotalaria juncea* L.) ўсимлигидан юқори сифатли дон ҳамда кўк масса ҳосили етиштиришда биостимуляторлар қўллашнинг мақбул муддат ва меъёрларини ишлаб чиқиш ҳамда ем-хашак етиштириш ҳажмини ошириш орқали қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорликка эришишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қўйидагилар ҳисобланади:

ўсимлик уруғини униб чиқиш динамикаси, амал даври давомийлиги, ўсиши ва ривожланишига биостимуляторлар қўллаш муддат ва меъёрларини таъсирини аниқлаш;

кроталарияда ҳосил элементларини шаклланиши ва дон ҳосилдорлигига биостимуляторлар қўллаш муддат ва меъёрларини таъсирини аниқлаш;

биостимуляторлар қўллаш муддат ва меъёрларини кроталарияни фотосинтетик ва симбиотик фаолиятига таъсирини аниқлаш;

кроталария дон ҳосили ва сифат кўрсаткичларига биостимуляторлар қўллаш муддат ва меъёрларини таъсирини аниқлаш;

биостимуляторлар қўллаш муддат ва меъёрларини кроталария кўк масса ҳосили ва сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

тажрибалардан олинган маълумотларни статистик таҳлил қилиш;

тадқиқ қилинган тадбирларнинг натижалари асосида кроталариянинг дон ва кўк масса ҳосилини иқтисодий самарадорлигини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари, кроталария туркум ўсимлигининг *Crotalaria juncea* L. тури, “Узгуми” ва “Геогумат” биостимуляторлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ўрганилган барча агротехник тадбирларнинг таъсирида ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, дуккак шаклланиши, туганаклар ҳосил бўлиши, фотосинтетик ва симбиотик фаолияти, дон ва кўк массасини сифат кўрсаткичлари, дон ва кўк масса ҳосилдорлиги, тупроқ хоссалари ҳамда иқтисодий самарадорлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқот ишларида лаборатория ва дала тажрибаларида олиб борилган фенологик кузатувлар ва биометрик ўлчовлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”; тупроқнинг агрохимёвий хоссалари “Методы агрохимических анализов почв и растений”, тупроқнинг микробиологик хоссалари “Методы почвенной микробиологии и биохимии” қўлланмалари асосида олиб борилган, шунингдек олинган натижалар Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услубиёти бўйича Microsoft Excel дастури ёрдами асосида математик-статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илк бор Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида кроталария (*Crotalaria juncea* L.) ўсимлигидан юқори дон ҳосилдорлиги ва кўк масса етиштиришда “Узгуми” ва “Геогумат” биостимуляторларни қўллаш муддатлари ва меъёрлари ишлаб чиқилган;

кроталария ўсимлигидан юқори дон ҳосилдорлигига эришишда “Узгуми” биостимулятори билан уруғ экиш олдидан 0,4 л/т меъёрида ишлов берилиб, 3-4 чинбарг чиқариш даврида 0,5 л/га, шоналаш даврида 0,6 л/га меъёрида, “Геогумат” биостимулятори билан уруғ экиш олдидан 1,0 л/т меъёрида ишлов берилиб, 3-4 чинбарг чиқариш даврида 1,6 л/га, шоналаш даврида 1,6 л/га меъёрида барги орқали қўллаш юқори самара бериши исботланган;

кроталария ўсимлигидан юқори кўк масса ҳосилдорлигига эришишда “Узгуми” биостимулятори билан уруғ экиш олдидан 0,4 л/т меъёрида ишлов берилиб, 3-4 чинбарг чиқариш даврида 0,7 л/га, шоналаш даврида 0,8 л/га меъёрида, “Геогумат” биостимулятори билан уруғ экиш олдидан 1,0 л/т меъёрида ишлов берилиб, 3-4 чинбарг чиқариш даврида 1,8 л/га, шоналаш даврида 1,8 л/га меъёрида барги орқали қўллаш юқори иқтисодий самарадорликка олиб келиши аниқланган;

кроталария уруғларини экиш олдидан “Узгуми” биостимулятори билан 0,4 л/т меъёрида ишлов берилиб, 3-4 чинбарг чиқариш даврида 0,7 л/га, шоналаш даврида 0,8 л/га меъёрида қўллаш илдиз тизимида туганак

бактериялар сонини дуккаклаш фазасида 39 дона/туп, пишиш фазасида 34 дона/га, уруғ экиш олдидан “Геогумат” биостимулятори билан 1,0 л/т меъёрида ишлов берилиб, 3-4 чинбарг чиқариш даврида 1,8 л/га, шоналаш даврида 1,8 л/га меъёрида барги орқали қўллаш эса илдиз тизимида туганак бактериялар дуккаклаш фазасида 36 дона/туп, пишиш фазасида 29 дона/туп гача етишини таъминлаши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

кроталарияни дон учун етиштиришда уруғларини экиш олдидан “Узгуми” биостимулятори билан 0,4 л/т меъёрида ишлов берилиб, 3-4 чинбарг чиқариш даврида 0,5 л/га, шоналаш даврида 0,6 л/га меъёрида барги орқали қўллаш назорат вариантыга нисбатан кўчатларнинг униб чиқишини 17850 туп/га, амал даври охирида хақиқий кўчат қалинлигини 21830 туп/га, униб чиққан кўчатларнинг сақланувчанлигини 1,7 фоизгача юқори бўлишини таъминлаган бўлса, уруғларини экиш олдидан “Геогумат” биостимулятори билан 1,0 л/т меъёрида ишлов берилиб, 3-4 чинбарг чиқариш даврида 1,8 л/га, шоналаш даврида 1,8 л/га меъёрида барги орқали қўллаш кўчатларнинг униб чиқишини 25900 туп/га, амал даври охирида хақиқий кўчат қалинлигини 29101 туп/га, униб чиққан кўчатларнинг сақланувчанлигини 1,6 фоизгача оширганлиги аниқланган;

кроталарияни дон учун етиштиришда уруғларни экиш олдидан “Узгуми” биостимулятори билан 0,4 л/т меъёрида ишлов берилиб, 3-4 чинбарг чиқариш даврида 0,5 л/га, шоналаш даврида 0,6 л/га меъёрида барги орқали озиклантириш назорат вариантыга нисбатан амал даври охирида барг сатҳи 6920,8 м²/га, куруқ масса тўплаши 0,2 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,39 г/м²/кун, ҳосил шохлари сонини 5 дона/туп, шоналар сонини 9 дона/туп, гуллар сонини 13 дона/туп гача юқори бўлишини таъминланган бўлса, уруғларни экиш олдидан “Геогумат” биостимулятори билан 1,0 л/т меъёрида ишлов берилиб, 3-4 чинбарг чиқариш даврида 1,6 л/га, шоналаш даврида 1,6 л/га меъёрида барги орқали озиклантириш ҳисобига барг сатҳи 8762,3 м²/га, куруқ масса тўплаши 0,25 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,58 г/м²/кун, ҳосил шохлари сонини 7 дона/туп, шоналар сонини 11 дона/туп, гуллар сони 16 дона/туп гача юқори бўлишига олиб келганлиги кузатилган;

кроталарияни дон учун етиштиришда уруғларни экиш олдидан “Узгуми” биостимулятори билан 0,4 л/т меъёрида ишлов берилиб, 3-4 чинбарг чиқариш даврида 0,5 л/га, шоналаш даврида 0,6 л/га меъёрида барги орқали озиклантириш назорат вариантыга нисбатан дуккаклар сонини 10 дона/туп, бир туп ўсимликдаги дон вазнини 1,51 г., дон ҳосилини 5,5 ц/га, рентабеллик даражасини 51,6 фоизга юқори бўлишини таъминланган бўлса, уруғларни экиш олдидан “Геогумат” биостимулятори билан 1,0 л/т меъёрида ишлов берилиб, 3-4 чинбарг чиқариш даврида 1,6 л/га, шоналаш даврида 1,6 л/га меъёрида барги орқали озиклантириш назорат вариантыга нисбатан дуккаклар сонини 17,1 дона/туп, бир туп ўсимликдаги дон вазнини 2,63 г., дон ҳосилини 7,4 ц/га, рентабеллик даражасини 68,3 фоизга юқори бўлишига олиб келганлиги аниқланган;

кроталарияни кўк масса учун етиштиришда уруғларни экиш олдида “Узгуми” биостимулятори билан 0,4 л/т меъёрида ишлов берилиб, 3-4 чинбарг чиқариш даврида 0,7 л/га, шоналаш даврида 0,8 л/га меъёрида барги орқали озиклантириш назорат вариантыга нисбатан амал даври бошида кўчат қалинлигини 18000 туп/га, 1-ўримда 16150 туп/га, 2-ўримда 16450 туп/га, 3-ўримда 16750 туп/га, амал даври охирида 13878 туп/га гача юқори бўлишини таъминлаганлиги аниқланган бўлса, уруғларни экиш олдида “Геогумат” биостимулятори билан 1,0 л/т меъёрида ишлов берилиб, 3-4 чинбарг чиқариш даврида 1,8 л/га, шоналаш даврида 1,8 л/га меъёрида барги орқали озиклантириш назорат вариантыга нисбатан амал даври бошида кўчат қалинлигини 28350 туп/га, 1-ўримда 20850 туп/га, 2-ўримда 20150 туп/га, 3-ўримда 17400 туп/га, амал даври охирида 14571 туп/га гача юқори бўлишига олиб келганлиги қайд этилган;

уруғларни экиш олдида “Узгуми” биостимулятори билан 0,4 л/т меъёрида ишлов берилиб, 3-4 чинбарг чиқариш даврида 0,7 л/га, шоналаш даврида 0,8 л/га меъёрида барги орқали озиклантириш назорат вариантыга нисбатан кўк масса ҳосилини 15,1 ц/га, рентабеллик даражасини 13,3 фоизга, уруғларни экиш олдида “Геогумат” биостимулятори билан 1,0 л/т меъёрида ишлов берилиб, 3-4 чинбарг чиқариш даврида 1,8 л/га, шоналаш даврида 1,8 л/га меъёрида барги орқали озиклантириш кўк масса ҳосилини 28,5 ц/га, рентабеллик даражасини 26,5 фоизга юқори бўлишини таъминлаши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлар умум эътироф этилган услубий қўлланмаларга мувофиқ ўтказилганлиги, олинган маълумотларга математик статистик ишлов берилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва ҳулосаларнинг асосланганлиги, илмий ва амалий натижалар апробациядан ўтказилганлиги, тажриба натижалари амалиётда жорий этилганлиги, тавсиянома чоп этилганлиги, тадқиқотлар натижаларининг Халқаро ва Республика миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда маърузалар қилинганлиги ҳамда маҳаллий ва хорижий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида кроталария ўсимлигини парваришда “Геогумат” биостимуляторини мақбул муддат ва меъёрларда қўллаш орқали ўсимлик уруғининг унувчанлиги, ўсиши, ривожланиши, фотосинтетик ва симбиотик фаолиятининг жадаллашиши, ҳосил элементлари шаклланиши, биометрик кўрсаткичлари, дон ва кўк масса ҳосили ҳамда унинг сифат кўрсаткичлари ортганлиги илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кроталария ўсимлигидан юқори дон ҳосили етиштиришда “Геогумат” биостимулятори билан уруғларни экиш олдида 1,0 л/т миқдорида ишлов берилиб, 3-4 чинбарг

даврида 1,6 л/га, шоналаш даврида 1,6 л/га меъёрларда, юқори кўк масса ҳосили етиштиришда эса уруғларни экиш олдидан 1,0 л/т миқдоридида ишлов берилиб, 3-4 чинбарг даврида 1,8 л/га, шоналаш даврида 1,8 л/га меъёрларда баргидан озиклантириш дон ҳосилдорлигини 6,8 ц/га, кўк масса ҳосилдорлигини 28,5 ц/га гача ошириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Crotalaria juncea* ўсимлигини ўсиши, ривожланиши ва ҳосил шаклланишига стимуляторлар қўллаш муддат ва меъёрлари таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида:

Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун “Жиззах вилояти шароитида кроталария (*Crotalaria juncea* L.) парваришда стимуляторларнинг аҳамияти” номли тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 27.05.2024 йилдаги №05/05-02-356-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома фермер хўжаликларида кроталария (*Crotalaria juncea* L.) етиштиришда муҳим кўрсатма сифатида хизмат қилмоқда.

Кроталария (*Crotalaria juncea* L.) етиштиришда биостимуляторларни қўллаш технологияси Пахтакор тумани “Олим олтин хирмони” фермер хўжалигида 0,6 гектар, Арнасой тумани “Ғаллаорол гавхари” фермер хўжалигида 0,6 гектар, жами 1,2 гектар майдонга жорий қилинган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 27.05.2024 йилдаги №05/05-02-356-сон маълумотномаси). Натижада кроталарияга биостимуляторлар экиш билан 1,0 л/т; 3-4 чинбарг ва шоналаш даврларида 1,6 л/га қўлланганда юқори самарадорликка эришилган.

Кроталарияга биостимуляторлар экиш билан 1,0 л/т; 3-4 чинбарг ва шоналаш даврларида 1,6 л/га қўллаб етиштириш технологияси Пахтакор ва Арнасой туманларида жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 27.05.2024 йилдаги №05/05-02-356-сон маълумотномаси). Натижада ушбу технологияни қўллаш орқали гектаридан 18,6-19,7 ц дон ҳосили олиниб, рентабеллик даражаси 90,7–103,5 фоизга ортишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари ҳар йили Жиззах давлат педагогика университети ва Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан махсус апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланиб, диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан 2 таси маҳаллий ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган. Шунингдек, 3 та республика, 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан

иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги, аҳамияти ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан, инновация ва технология тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кроталария ўсимлигининг аҳамияти, ташки омилларга талаби ҳамда биостимуляторларни қўллаш муддатлари ва меъёрларини ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзуга оид маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар шарҳи батафсил ёритилган. Шунингдек, ўрганилган адабиётлар шарҳи бўйича хулосалар таҳлили келтирилган бўлиб, кроталария туркум ўсимликларини қишлоқ ва ҳалқ хўжалигидаги аҳамияти, тупроқ унумдорлигини оширишдаги роли ҳамда кроталария жунсеа ўсимлигини ўсиши ва ривожланиши ва дон ва пичан ҳосилдорлигини ошириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Шунингдек, Республикамиз тупроқ-иқлим шароитида кроталария жунсеа ўсимлигини дон ва кўк масса ҳосили ва сифатини оширишда стимуляторлар қўллаш муддат ва меъёрлари ишлаб чиқилмаганлиги, мавзуга мос адабиётлар етарли эмаслиги туфайли ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлиги хулоса қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг географик жойлашув ўрни, тупроқ ва иқлим шароитлари, тажриба ўтказиш усули ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган минтақанинг географик ўрни, тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот ўтказиш усули ва услублари, тажриба даласида ўтказилган агротехник тадбирлар ва ўрганилган кроталария жунсеа ўсимлиги ҳамда қўлланган “Узгуми” ва “Геогумат” биостимуляторлар тавсифлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Дала тажрибалари Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтининг Жиззах илмий тажриба станциясида, ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида олиб борилган.

Тажриба даласи тупроғи механик таркибига кўра енгил кумоқ тупроқ бўлиб, кучсиз даражада шўрланган, ер ости сувларининг жойлашиш чуқурлиги 2,0-2,5 м ни ташкил қилади. Тажрибалар қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимида ҳар йили бошқа-бошқа далада ўтказилди.

Тажриба 2 та тажриба тизимидан иборат бўлиб, биринчи тажрибада кроталария ўсимлиги дон ҳосили учун, иккинчи тажрибада кўк масса (пичан) ҳосили учун парвариш қилинган.

Ҳар бир тажриба 9 та вариантдан иборат бўлиб, 4 қаторли ва қатор ораси 90 см, узунлиги 30 м. Ҳар бир вариантнинг майдони 108 м². Ҳисобга олинадиган вариант майдони 54 м². Тажриба уч такрорлашда олиб борилди. Ҳар бир такрорлашнинг майдони 972 м², битта тажрибанинг майдони 2916 м², тажрибанинг умумий майдони 5832 м² (0,6 га) ни ташкил қилди.

Тадқиқотларда ўсимлик намуналари, лаборатория таҳлиллари, фенологик кузатувлар ва ўлчовлар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» ЎзПИТИ нинг услубий қўлланмаси асосида амалга оширилган, ўсимликларни барг юзаси тарозида тортиш орқали А.А.Ничипорович усулида аниқланган. Тажрибанинг қайтариқлар ва вариантлар бўйича ҳосилдорлигини математик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” қўлланмаси асосида дисперсион таҳлил услуги асосида амалга оширилгани келтирилган.


Диссертациянинг «**Кроталариянинг ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига биостимуляторларни қўллаш муддатлари ва меъёрларининг таъсири**» деб номланган учинчи бобида кроталария уруғининг унувчанлиги, кўчат қалинлиги, ўсиши ва ривожланиши, ўсимликнинг ривожланиш даврлари ва умумий фойдали ҳароратлар йиғиндиси, барг сатҳи майдони, курук масса микдори, фотосинтез маҳсулдорлиги, фотосинтез соф маҳсулдорлиги, кроталарияда дуккаклар шаклланиши, 1000 дона дон вазни, дон ҳосилдорлиги ва дон сифат кўрсаткичларига биостимуляторлар қўллаш муддат ва меъёрларини таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

Кроталария Жиззах вилояти шароитида ҳарорат 18-20 °С бўлганда тупроққа қадалган уруғ 12-16 кундан сўнг тўлиқ униб чиқди. Уруғни униб чиқишига биостимуляторларнинг ҳам таъсири кузатилиб, кроталария ўсимлиги 23 апрел санасида дон ҳосили учун турли меъёрларда биостимуляторлар билан ишлов бериб экилганда уруғ 14-15 кунда тўлиқ униб унувчанлиги 88,6-91,4% ни ташкил этган ҳолда стимулятор қўлланмаган назорат вариантыдан 2,6-7,4% гача юқори бўлганлиги кузатилди. “Узгуми” стимуляторига нисбатан “Геогумат” стимулятори 2,6-2,8% унувчанлиги юқори бўлганлиги аниқланди.

Тажрибада энг кўп кўчатларнинг нобуд бўлиши кроталарияга экиш билан бирга стимулятор қўлланмаган назорат вариантыда 7,4% бўлиб, биостимуляторлар қўлланган вариантларга нисбатан 1,2-1,7% кўп нобуд бўлди. Биостимуляторлар қўлланганда ўсимлик турли касалликларга чидамлилигини ортиши, ўсиб ривожланишини баравж бўлиши кўчат сақланувчанлигини таъминлаган. “Узгуми” биостимулятори қўлланган вариантларга нисбатан “Геогумат” биостимулятори қўлланган вариантларда кўчатларнинг сақланувчанлиги бироз юқори бўлиб, Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида кроталария ўсимлиги уруғларини дон ҳосили учун апрел

ойининг учинчи ўн кунлигида гектарига 14 кг дан экиш ҳамда “Геогумат” биостимуляторини экиш билан бирга 1,0 л/т ҳамда 3-4 чинбарг ва шоналаш даврларида 1,6 л/га меъёрларда қўллаш уни бир текис униб чиқиши учун мақбул шароит ҳисобланиб, кўчатларнинг сақланувчанлик даражаси юқори бўлганлиги кузатилди.

“Геогумат” биостимулятори экиш билан бирга 1,0 л/т ҳамда 3-4 чинбарг ва шоналаш даврларида 1,8 л/га меъёрларда қўлланган ўсимлик бўйи 298,0 см бўлиб, назорат вариантыдан 63,0 см; “Геогумат” биостимулятори фақат экиш билан бирга қўлланган вариантдан 30 см; “Узгуми” биостимулятори фақат экиш билан қўлланган вариантдан 40 см юқори бўлган бўлса, ён шохлари ва ҳосил элементлари (шона, гул, дуккак) миқдори эса “Геогумат” биостимулятори экиш билан бирга 1,0 л/т ҳамда 3-4 чинбарг ва шоналаш даврларида 1,6 л/га меъёрларда қўлланганда кўпроқ бўлганлиги келтирилган (1-расм).



1-расм. Crotalaria juncea поясининг ўсиш динамикасига биостимуляторлар қўллаш муддат ва меъёрларини таъсири, (2023 й.)


Амал даври давомийлигига биостимуляторларнинг таъсири кузатилиб, амал даври давомийлиги 2-7 кунгача қисқарганлиги аниқланди. Биостимуляторлар қўлланганда ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши тезлашиши натижасида назоратга нисбатан биостимуляторлар фақат экиш билан қўлланганда амал даври давомийлиги 2-3 кунга; биостимуляторлар экиш билан бирга ҳамда 3-4 чинбарг ва шоналаш даврларида ҳам қўлланганда эса 4-7 кунгача қисқарганлиги кузатилди.

Кроталария амал даври давомида фойдаланган фойдали ҳарорати вариантлар бўйича 2652,2 - 2700,5 °С бўлиб, ўсимлик биостимулятор қўлланмаган назорат вариантда кўпроқ (2700,5 °С) фойдали ҳароратдан фойдаланган. Биостимуляторлар қўллаш муддат ва меъёрларига қараб УФХ йиғиндиси камайиб бориб, биостимулятор экиш билан бирга ҳамда 3-4 чинбарг ва шоналаш даврлари қўлланганда 2652,2 - 2670,6 °С ни ташкил қилиб, 29,9-43,8 °С гача фойдали ҳароратдан кам фойдалангани ва ҳосил 3-7 кун эрта йиғиштириб олингани аниқланди.

Барг сатҳи майдони кўпчилик экинларда ўсимлик ривожининг гуллаш даврида юқори барг сатҳига эга бўлади. Кроталария амал даври охиригача

барглари ҳосил бўлиши, яшил бўлиб туриши ҳисобига 20-30% дуккаклари пишган даврда юқори барг сатҳи майдонига эга бўлиб, ўсимлик ривожланишининг барча даврларида ҳам юқори натижа кроталарияга “Геогумат” биостимулятори экиш билан бирга 1,0 л/т ҳамда 3-4 чинбарг ва шоналаш даврларида 1,6 л/га меъёрларда қўлланганда кузатилиб, шоналаш (01.06) даврида – 476,7 см², гуллаш (01.07) даврида – 842,5 см²; дуккаклаш (01.08) даврида -1287,5 см²; пишиш (01.09) даврида – 1517,9 см² ва тўлиқ пишиш (01.10) даврида – 1454,7 см² га тенг бўлиб, тўлиқ пишиш даврида барг сатҳи майдони камайиб борганлиги кузатилди.

1 сентябр ҳолатида бир туп ўсимлик қуруқ массасининг оғирлиги 92,14 - 94,56 г бўлиб, биостимуляторлар қўлланган вариантлардаги қуруқ масса миқдори назорат вариантыдан 1,2-2,42 г гача ортиқ бўлди. Юқори кўрсаткич “Геогумат” биостимулятори экиш билан бирга 1,0 л/т ҳамда 3-4 чинбарг ва шоналаш даврларида 1,6 л/га меъёрларида қўлланганда 94,56 г ни ташкил этиб, назорат вариантыдан 2,42 г; “Геогумат” биостимулятори фақат экиш билан қўлланган вариантдан 2,11 г; “Узгуми” биостимулятори фақат экиш билан қўлланган вариантдан 1,22 г ортиқ бўлган (2-расм)..



2-расм. Бир туп ўсимлик қуруқ массасига биостимуляторлар қўллаш муддат ва меъёрларининг таъсири, 2023 й.

Фотосинтетик маҳсулдорлик баргларнинг иш фаолиятини умумлаштирилган кўрсаткичи бўлиб, кроталариянинг юқори фотосинтетик маҳсулдорлиги (ФМ) дуккаклаш-пишиш даврида “Геогумат” биостимулятори экиш билан бирга 1,0 л/т ҳамда 3-4 чинбарг ва шоналаш даврларида 1,6 л/га меъёрларида қўлланганда - 42081,0 см²/ўс. га тенг бўлиб, назорат вариантыдан 5625,0 см²/ўс.; “Узгуми” биостимулятори фақат экиш билан қўлланган 2-вариантдан 3733,5 см²/ўс. ва “Геогумат” биостимулятори фақат экиш билан қўлланган 6-вариантдан 2776,5 см²/ўс. юқори бўлганлиги кузатилди.

Кроталарияни фотосинтез маҳсулдорлигидан келиб чиққан ҳолда фотосинтез соф маҳсулдорлиги (ФСМ) аниқланганда ўсимлик ривожланишининг шоналаш-гуллаш даврларида 7,2-9,9 г/м² кун; гуллаш-

дуккаклаш даврида 8,3-9,6 г/м² кун ва дуккаклаш-пишиш даврларида 9,1-9,8 г/м² кун бўлиб, кроталарияда ўсимлик ривожининг дуккаклаш-пишиш даврида юқори натижага эришилган.

Кроталарияга стимуляторлар қўлланганда ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсири натижасида бир туп ўсимликдаги дуккаклар сони, битта дуккакдаги дон сони ва вазни ҳам назорат вариантыга нисбатан ортиқ бўлганлиги кузатилди. Юқори натижа кроталарияга “Геогумат” биостимулятори экиш билан 1,0 т/л; 3-4 чинбарг ва шоналаш даврларида 1,6 л/га меъёрларда қўлланганда аниқланиб, бир туп ўсимликдаги дуккаклар сони 56,3 донани; битта дуккакдаги дон сони 4 донани; битта дуккакдаги дон вазни 0,1492 г ни; бир туп ўсимликдаги дон вазни 8, 4 г ни; 1000 дона дон вазни 37,3 г ни ва биологик ҳосил 25,2 ц/га ни ташкил этиб, стимулятор қўлланмаган назорат вариантыдан дуккаклар сони 17,1 дона; дуккакдаги дон вазни 0,0020 г; бир туп ўсимликдаги дон вазни 2,63 г; 1000 дона дон вазни 0,5 г гача ортиқ бўлганлиги кузатилди (1-жадвал).

1-жадвал

Кроталарияга биостимулятор қўллашнинг дуккаклар сони, дуккакдаги дон сони ва вазни, 1000 дона дон вазнига таъсири, (2023 й.)

Вар.	Бир туп ўсимликдаги дуккаклар сони, дона	Битта дуккакдаги дон сони, дона	Битта дуккакдаги дон вазни, г	Бир туп ўсимликдаги дон вазни, г	1000 дона дон вазни, г	Биологик ҳосил, ц/га
1	39,2	4	0,1472	5,77	36,8	15,7
2	41,4	4	0,1480	6,12	37,0	17,8
3	45,8	4	0,1480	6,77	37,0	19,8
4	49,2	4	0,1480	7,28	37,0	21,4
5	46,4	4	0,1480	6,86	37,0	20,1
6	43,4	4	0,1492	6,47	37,3	19,4
7	49,3	4	0,1492	7,35	37,3	22,1
8	56,3	4	0,1492	8,40	37,3	25,2
9	52,2	4	0,1492	7,78	37,3	23,4

Кроталария парваришида “Геогумат” биостимулятори экиш билан бирга 1,0 л/т меъёрда қўлланганда ҳосилдорлик 15,7 ц/га бўлган бўлса, шу биостимулятори экиш билан – 1,0 л/т; 3-4 чинбарг чиқарганда – 1,6; шоналаш даврида - 1,6 л/га меъёрларда қўлланганда юқори кўрсаткич 19,6 ц/га дон ҳосили олиб, назорат вариантыга нисбатан 7,4 ц/га; этанол сифатида “Узгуми” фақат экиш билан бирга ишлатилган вариантга нисбатан 5,1 ц/га; “Узгуми” экиш билан - 0,4; 3-4 чинбарг чиқарганда - 0,3; шоналаш даврида -0,4 л/га меъёрларда қўлланилган вариантга нисбатан 3,6 ц/га; “Геогумат” биостимулятори фақат экиш билан бирга ишлатилган вариантга нисбатан 3,9 ц/га қўшимча дон ҳосили олишга эришилди (2-жадвал).

Кроталария илдизида туганаклар бактериялар ҳосил бўлишида биостимуляторлар қўллаш муддат ва меъёрларини таъсири ўрганилганда дуккаклаш даврида туганак бактериялар сони 14-39 дона бўлиб, “Узгуми” биостимулятори экиш билан 0,4 л/т ҳамда 3-4 чинбарг даврида 0,7 л/га ва шоналаш даврида 0,8 л/га меъёрларда қўлланган вариантда 39 донани ташкил этиб, назорат вариантыдан 25 дона; “Узгуми” фақат экиш билан қўлланган


вариантдан 11 дона; “Геогумат” биостимулятори экиш билан 1,0 л/т ҳамда 3-4 чинбарг даврида ва шоналаш даврида 1,8 л/га меъёрларда қўлланган вариантдан 3 донга кўп ҳосил бўлди. Шунингдек, бир туп ўсимлик илдизидаги туганак бактериялар оғирлиги вариантлар бўйича шоналаш даврида 0,057-0,114 г; гуллаш даврида 0,095-0,304 г; дуккаклаш даврида 0,266-0,741 г ва пишиш даврида 0,228-0,646 г бўлиб, дуккаклаш даврида туганаклар оғирлиги туганаклар сонига мос ҳолда юқори кўрсаткичга эга бўлди.

2-жадвал

Биостимуляторлар қўллаш муддат ва меъёрларини дон ҳосилдорлигига таъсири, (2021-2023 йй.)

№	Биостимуляторлар қўллаш меъёрлари	Ўртача уч йилдаги дон ҳосили, ц/га	Назорат вариантыга нисбатан қўшимча ҳосил, ц/га	Этанол вариантыга нисбатан қўшимча ҳосил, ц/га	Биостимулятор меъёрига нисбатан қўшимча ҳосил, ц/га
1	назорат	12,2	-	-	-
2	Узгуми (0,4 л/т)	14,5	+2,3	-	-
3	Узгуми (0,4 л/т; 0,3; 0,4 л/га)	16,0	+3,8	-	+1,5
4	Узгуми (0,4 л/т; 0,5; 0,6 л/га)	17,7	+5,5	-	+3,2
5	Узгуми (0,4 л/т; 0,7; 0,8 л/га)	16,7	+4,5	-	+2,2
6	Геогумат (1,0 л/т)	15,7	+3,5	+1,2	-
7	Геогумат (1,0 л/т; 1,4; 1,4 л/га)	17,6	+5,4	+1,6	+1,9
8	Геогумат (1,0 л/т; 1,6; 1,6 л/га)	19,6	+7,4	+1,9	+3,9
9	Геогумат (1,0 л/т; 1,8; 1,8 л/га)	19,0	+6,8	+2,3	+3,3

Кроталария дони таркибидаги умумий оқсил миқдори аниқланганда вариантлар бўйича 38,41-39,97% бўлиб, биостимуляторлар қўлланган вариантларда оқсил миқдори биостимулятор қўлланмаган назорат вариантыдан 1,26-1,56% юқори эканлиги кузатилди. Юқори натижа “Геогумат” биостимулятори экиш билан бирга 1,0 л/т ҳамда 3-4 чинбарг ва шоналаш даврларида 1,6 ва 1,8 л/га меъёрларда қўлланган вариантларда 39,93% бўлиб, умумий оқсил миқдори биостимуляторлар меъёри ошиб бориши билан ошиб борганлиги аниқланди.



3-расм. Кроталария дони таркибидага азот, умумий оқсил ва мой миқдорига биостимуляторларнинг таъсири, (2023 й).

Мойдорлик бўйича юқори натижа “Геогумат” биостимулятори экиш билан бирга 1,0 л/т меъёрда қўлланган вариантда 4,11% бўлиб, назорат вариантдан 1,11%; “Узгуми” фақат экиш билан 0,4 л/т меъёрда қўлланган вариантдан 0,26%; “Геогумат” биостимулятори экиш билан 1,0 л/т ҳамда 3-4 чинбарг ва шоналаш даврларида 1,4; 1,6; 1,8 л/га меъёрларда қўлланган вариантлардан мос равишда 0,09; 0,33; 0,61% юқори бўлиб, мой миқдори умумий оксил миқдорига тескари пропорционал ҳолда биостимуляторлар меъёри ошиб бориши билан мойдорлик даражаси камайиб бориши кузатилди (3-расм).

Диссертациянинг «**Кроталариянинг ўсиши, ривожланиши ва кўк масса ҳосилигига биостимуляторларни қўллаш муддатлари ва меъёрларининг таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида кроталария кўк массаси учун етиштирилгандаги уруғ унвчанлиги, кўчат қалинлиги, кроталариянинг ўсиши, пичан ҳосили ва унинг сифат кўрсаткичлари ҳамда тупрокнинг агрокимёвий ва микробиологик хоссаларига таъсири маълумотлар келтирилган.

Кроталария кўк масса ҳосили учун гектарига 18 кг дан экиб парваришланганда унвчанлик биостимуляторлар қўлланган вариантларда 91,1-93,5% бўлиб, назорат вариантдан 3,9-6,3% юқори бўлди. Шунингдек, кроталария дон ҳосили учун парваришланган вариантлардан ҳам 2 кун эрта униб чиқди ҳамда 2,1-2,5% ортиқ унвчанликка эга бўлди.

Амал даври охирида кроталария ерга ҳайдаб ташланмасдан олдин кўчат қалинлиги ҳисобланганда вариантлар бўйича гектарига 270300-281300 туп кўчат бўлиб, амал даври бошига нисбатан 34900-45950 туп/га кўчат нобуд бўлганлиги аниқланиб, кўчат сони ортиши билан кўчатларни нобуд бўлиши ҳам кўпайиб борган. Яъни, кўчатларни нобуд бўлиши назоратда 11,5% бўлса, биостимуляторлар қўлланган вариантларда 12,0-15,2% бўлганлиги кузатилди.

1-ўримдан аввал ўсимлик бўйи 82,4-102,4 см, ён шоҳлар сони 4-8 донагача бўлиб, юқори натижа кроталарияга “Геогумат” биостимулятори экиш билан 1,0 л/т ҳамда 3-4 чинбарг ва шоналаш даврларида 1,8 л/га меъёрларда қўлланган вариантда ўсимлик бўйи 102,4 см ва ён шоҳлар сони 8,0 донани ташкил қилиб, барча ўримларда ҳам “Геогумат” биостимуляторини экиш билан 1,0 л/т ҳамда 3-4 чинбарг ва шоналаш даврларида 1,8 л/га меъёрларда қўллаш мақбул муддат ва меъёр ҳисобланди ва юқори кўк масса ҳосили олишга эришилди.

